



Тазкия дарслари (37-дарс). Робита



ТАЗКИЯ
дарслари **37-дарс**

Тазкия дарслари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллоҳнинг
"Тасаввуф ҳақида тасаввур" ва "Руҳий тарбия-1-2-3" китоблари асосида бериб борилади.
Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



ISLOM.UZ

15:35 / 16.06.2019 5012

Тўғриси айтиладиган бўлса, робита ҳақидаги мақолани бу китобга киритиш ёки киритмаслик ҳақида узоқ бош қотирдик. Тасаввуфга оид ихтилофлар ичида бугунги кунда энг кўп тортишилаётган масалалардан бири бўлган робита масаласи бизнинг диёрларимизда деярли зикр қилинмас эди. Баъзи бир солиқлардан сўралганда, уларнинг робита ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслиги ҳам бунинг далили эди.

Аммо бугунги кунда диёримизга четдан келган тасаввуф ўзи билан бу масалани ҳам олиб келди. Четдан келган шайхларга қўл берган муридлар айна шу масалани алоҳида эҳтимом билан сўзлаётганлари кўпчиликни ўйлантириб қўйди. Шу билан бирга, четдан келган тасаввуф китоблари таржималари орқали ҳам робита масаласи кишилар орасида озми-кўпми, тарқалди. Шу боис робита хусусида ҳам имкон қадар маълумот беришга интилдик.

«Робита» арабча сўз бўлиб, «боғланиш» маъносини англатади. Тасаввуф истилоҳидаги робита муриднинг зикр аввалида хаёлан ўз шайхига боғланиб, унинг сиймосини кўз ўнгига келтириб, ундан маънавий-руҳий мадад олишидир.

Амалда бу робитанинг олдида ҳам бир робита, ортида ҳам бир робита бўлади. Зикр қилмоқчи бўлган солиқ олдин ўлимни кўз олдида келтириб, ўлим робитаси – робитаи мавт қилади. Бу робита ўз меъёрига етганда шайхнинг сиймосини кўз олдида келтириб, робитаи шайх қилади. Бу ҳам

бир меъёрига етганда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўз олдига келтиради ва шундан сўнг ўзини Аллоҳ таоло кўриб тургандек ҳис қилиб, робитаи ҳузур қилади.

Робитаи мавт билан робитаи ҳузур ҳақида сўфийлар билан ҳеч ким тортишмайди. Аммо робитаи шайхда сўфийлар билан бошқаларнинг ҳаммаси тортишади. Ҳатто баъзи сўфийлар ҳам қарши тарафда бўлишади.

Робитаи шайхни тан олмайдиганлар ҳам ҳар хил бўладилар. Уларнинг ичида: «Бу нарсани ақлимга сиғдира олмаяпман», деганларидан тортиб, «Робитаи шайх ширкдан бошқа нарса эмас», деганларигача бор.

Дастлабки сўфийларда робитаи шайхнинг зикрини учратмадим. Аммо тариқат ривож топган пайтдаги сўфийларнинг ҳаммаси робитани асосий омиллардан бири санайдилар. Улар: «Фано фишшайх» бўлмагунча, «фано фиррасул» ва «фано филлаҳ» бўлмайди, яъни шайхга фоний бўлмагунча, Расулга ва Аллоҳга фоний бўлмайди», дейдилар.

Робита ҳақида баҳс юритган тасаввуф китобларининг барчасида робитаи шайх тасаввуфдаги энг зарур ишлардан бири сифатида зикр қилинади. Баъзи китобларда нафақат тирик шайхларга, балки вафот этиб кетган шайхларга ҳам робита қилиш ҳақида сўз боради.

Доктор Салжуқ Эройдин ўзининг «Тасаввуф ва тариқатлар» деган китобида «Робита ҳақидаги рисола» китобидан фойдаланиб, қуйидагиларни айтади:

«Мавлоно Холид вафот этган муршиддан ҳам робита орқали файз олиш мумкинлигини айтади. «Бу каби ҳолларда муршиднинг қабрига яқинлашиб, салом берилади ва қабрнинг оёқ тарафида туриб, бир марта Фотиҳа сурасини, ўн бир марта Ихлос сурасини ва бир марта «Оятул Курсий»ни ўқиб, савобини маййитнинг руҳониятига ҳадя этилади. Сўнгра унинг маънавиятига таважжуҳ қилиниб, робита қилинади», деганлар».

Шу ерда биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларини зиёрат қилганда ҳам бу каби нарса йўқлиги, балки саҳобаи киромдан бошлаб бугунги мўмин-мусулмонларгача – ҳамма-ҳамма фақат салом бериш билан кифояланишини эслатиб ўтмоқчимиз.

Робитаи шайх шариат ҳукмларига тўғрилигини исбот қилиш сўралганда, сўфийлар Моида сурасидаги «Ва Унга васила изланг» оятини далил қиладилар ва: «Робитаи шайх қилиш айна Аллоҳга етишиш учун васила

излашдир», дейдилар.

Албатта, бу иқтибос бир оятнинг ичидан олингандир. Ояти кариманинг тўлиқ шакли қуйидагича бўлади:

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглар ва Унга васила ахтарингиз ҳамда Унинг йўлида жиҳод қилингиз. Шоядки, ютуққа эришсангиз» (*Моида сураси, 35-оят*).

Агар тафсирларни варақлайдиган бўлсак, уларнинг бирортасида ҳам ушбу оятдаги «васила» сўзи робитаи шайх маъносида тафсир қилинмаганини кўрамиз.

Бошқа тафсирларни қўйиб туриб, сўфийларнинг тафсирларини олайлик. Энг катта сўфийлардан бўлмиш, тасаввуф ҳақида биринчилардан бўлиб китоб ёзган имом Абдулкарим Қушайрий раҳматуллоҳи алайҳи ўзларининг «Латоифул ишорот» номли тафсирларида мазкур оятнинг тафсирида «васила»га етти хил маъно берганлар. Аммо бу маънолар ичида робитаи шайх маъноси йўқ.

Шунингдек, тасаввуф услубидаги энг машҳур тафсирлардан бири бўлмиш «Руҳул маъоний»нинг соҳиби имом Олусий раҳматуллоҳи алайҳи ҳам бу оятни узундан-узоқ тафсир қилганлар, аммо бу тафсирда «васила»нинг маъноси робитаи шайх эканлиги мутлақо зикр этилмаган.

Робитаи шайх масаласида катта жонбозлик кўрсатган нақшбандийлар мазкур оятнинг маъносидан робитаи шайхни англаш мумкинлигига хожа Убайдуллоҳ Аҳрор раҳматуллоҳи алайҳининг гапларини мисол келтирадилар. У киши бу гапни сўфийлар робитаи шайхнинг ҳақ эканига далил сифатида келтирадиган Тавба сурасидаги «Ва содиқлар билан бирга бўлинг» оятининг маъносини тушунтириш борасида айтган эканлар.

Аммо «Рашаҳот»да бу борада хожа Убайдуллоҳ Аҳрор раҳматуллоҳи алайҳидан нақл қилинган матнда содиқлар билан бирга бўлиш иккига бўлиниши: биринчиси – уларнинг суҳбатини лозим тутиш бўлса, иккинчиси – улар ила доимий равишда маънавий боғланиш бардавом бўлиши лозимлиги айtilган. Шайхнинг суратини кўз олдида келтириб, зикр қилиш айtilмаган.

Ҳозирги кунимизда тасаввуфга даъват қилиб келаётган машҳур уламоларимиз робитаи шайх масаласини четлаб ўтадилар. Тасаввуф тарафдорлари бўлган кўпгина кишилар ўзаро суҳбатларда бу масалани ҳеч

фикрларига жойлай олмаётганларини айтадилар.

Бу борада ўртача ечим топилиши мумкинми, деган савол мени кўп ўйлантириб келарди. Саволга жавобни Нақшбандия тариқатининг машҳур шайхларидан бўлган Имоми Роббоний ва Мавлоно Холид раҳматуллоҳи алайҳимонинг робита ҳақидаги баёнотларидан топдим.

Имоми Роббоний раҳматуллоҳи алайҳи робитаи шайх комил муршидга бўлишини таъкидлайдилар ва бу ишга лойиқ шайхни қуйидагича таърифлайдилар:

«Комил муршиднинг бир назари қалб хасталикларининг шифосидир. Унинг бир таважжуҳи маънавий хасталикларни даф этади. Бу камолотнинг соҳиби бўлган зот вақтнинг имоми ва замоннинг халифасидир. Қутблар унинг мақоми соясидан паноҳ топадилар. Мамлакатларнинг муршиди бўлган буюклар унинг уммонлар каби муаззам камолотидан тасалли олурлар».

Мавлоно Холид раҳматуллоҳи алайҳи: «Робита муриднинг муршиди комилнинг суратини хаёлига олиб, унинг руҳониятидан фойдаланишидан иборатдир», дейдилар. Ўша муршиди комил «шухуд мақоми»га етишган бўлиши шартлиги ҳам таъкидланган ҳақиқатдир.

Бу ҳақда шайх Муҳаммад Асъад Ирбилий раҳматуллоҳи алайҳи:

«Ўзига робита қилинадиган шайхнинг ҳоли ва ахлоқи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳоллари ва ахлоқига тобе бўлмагунча, робитадан кутилган файз юзага чиқмайди. Робита қиладиган солиқ эса шайхининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқлари ила ахлоқланганлигини шариат ва тариқат ўлчови ила таҳқиқ этиши фарздир. Акс ҳолда робита қилувчи ҳам, қилинувчи ҳам паришон бўлади», дейдилар.

Агар бу маъноларни бугунги кунга татбиқ қилмоқчи бўлсак, юқоридаги сатрларда васфи зикр қилинган, бир назари қалб хасталикларининг шифоси бўлган, бир таважжуҳи маънавий хасталикларни даф этадиган, вақтнинг имоми ва замоннинг халифаси бўлган, қутблар унинг мақоми соясидан паноҳ топадиган, мамлакатларнинг муршиди бўлган буюклар унинг уммонлар каби муаззам камолотидан тасалли оладиган, ҳоли ва ахлоқи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳоллари ва ахлоқига тобе бўлган ва шухуд мақомига эришган муршиди комилни топишимиз лозим бўлади. Аллоҳнинг фазли чексиз, шундай зотни топиб қолсак, ажаб эмас.

«Тасаввуф ҳақида тасаввур» китобидан